



Султон Тўғрулбек, Мухаммад Тўғрулбек Рукнуддин Абу Толиб (993 — 1063.4.9) — Салжукийлар давлатининг асосчиси ва султони (1038 —63). Салжукбекнинг невараси. Ибн ал Асирнинг ёзишича, 11-а. нинг бошларида биродари Чагрибек Довуд (990 —1060) бн биргаликда кўчманчи ўгузлар — салжукийларнинг харбий бирлашмаларига бошчилик килган. 1025 —30 й. ларда Тўғрулбек бошчилигидаги салжукийлар Алитегин ва Сирдарё ябгуси кўшинларига карши муваффакиятли харбий харакатлар олиб боришган.

1035 й. май ойининг бошларида 10 минг кишилик салжукийларнинг отлик кўшини Тўғрулбек ва Чагрибек кўмондонлигида Амударёни кечиб ўтиб, Амул (хоз. Туркманобод)ни эгаллаган ва Марвдан Нисога йўл олган. Газнавийлар султони Масъуд Газнавий уларга карши кўшин жўнатган. Бу жангда салжукийлар галаба қозониб, Хуросонда ўз мавкеларини тобора мустахкамлаб боришган, хусусан, Тус ва Нишопурни эгаллаб, Тўғрулбекни Нишопурда султон деб эълон қилганлар (1038 й. июнь).

Данданакон жангит газнавийлар устидан қозонилган галабадан сўнг Тўғрулбек Хуросон ҳукмдори деб эълон қилинган. 1040 —1055 й. ларда Т. Хоразм, Эрон, Ирок, Озарбайжон, Арманистонга харбий юришлар уюштириб, бу ҳудудларнинг катта қисмини салжукийлар давлати таркибига қўшиб олди. Қорахонийлар ҳам Мовароуннаҳрда Тўғрулбек ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлган. Тўғрулбек араб халифалиги пойтахти Бағдодни эгаллаб (1058 й. 23 апр.), ўз номига хутба ўқиттирган ва аббосийлар сулоласининг халифаси алКоим (ҳукмронлик даври: 1031 —75) унинг «султон» унвонини тан олиб, Тўғрулбекка «алМашрик ва алМағриб султони» деган юксак унвонни ҳам берган. Тўғрулбек халифани бувайхийлар (улар шиалардан бўлган)нинг тазйикидан халос қилиб, ислом динининг сунний мазҳабини мустахкамлаган. Кейинчалик Тўғрулбек халифа алКоимнинг кизи Саййида Нисога уйланган (1063.17.2).

Тўғрулбек 1038 й. даёқ харбий хизматлари эвазига йирик лашкарбошилар ва қариндошуруғларига мамлакат ҳудудини иқтосифатида тақсимлаб берган. Т. Райни,

Чағрибек Марвни ўзларига пойтахт қилганлар. Кейинчалик Тўғрулбек пойтахтни Райдан Исфохонга кўчирган (1050). Форслардан бўлган вазири Абдулмалик Кундурий (1064 й. қатл этилган) ёрдамида улкан Салжукийлар салтанатини бошқарган.

Манба: Саяр аддин Али алХусайн и, Ахбор аддаулат асселджукиййа (Зубдат аттаворих), М., 1980; АбулФазл Байхаки, История Масъуда (1030—1041), М., 1969.

Ад.: Агаджанов С. Г., Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX — XIII вв., Ашхабад, 1969.

Кахрамон Ражабов.